АҲОЛИ ДАРОМАДЛАР ТАБАҚАЛАШУВИ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ФИСКАЛ СИЁСАТ: МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ КЕЙСИ

Восиқов Улуғбек Алишерович,
Тошкент кимё халқаро университети
мустақил изланувчиси, PhD

Аннотация: Мақолада аҳоли даромадларининг табақалашуви ва унинг вужудга келишига сабаб бўлувчи омиллар тизимлаштирилган. Ривожланаётган давлатларда даромадлар тенгсизлигини тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари иқтисодий мактаб вакилларининг илмий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари баҳоланган. Жамиятда тенгсизликнинг шаклланиши ва уни баҳолашда илмий ёндашувлар таҳлил қилинган ва таснифланган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида илмий ёндашувлар шакллантирилган ва устуворлик касб этувчи жиҳатлар тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: аҳоли даромадлари, камбағаллик, фискал сиёсат, даромадлар тақсимоти, даромад солиғи, ижтимоий ҳимоя, инсон тараққиёти, таълим, соғлиқни сақлаш

Annotation: the article systematizes the stratification of household incomes and the factors leading to it. It provides a comparative analysis of the scientific views of representatives from economic schools regarding the peculiarities of regulating income inequality in developing countries, and evaluates their distinctive aspects. The article also analyzes and classifies scientific approaches to the formation and assessment of inequality in society. Based on the conducted studies, scientific approaches have been developed, and the most significant aspects have been systematized.

Keywords: household income, poverty, fiscal policy, income distribution, income tax, social protection, human development, education, healthcare.

Кириш

Жаҳон иқтисодиётида аҳоли даромадларининг тақсимланишида барқарорликка эришиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Глобал иқтисодий-сиёсий саҳнада кескинликларнинг ошиб бориши капитал тўпланишининг қизишига ва уларнинг қиймат яратишдаги ролини нолегаллашишига олиб келмоқда. Кўплаб геосиёсий кескинликлар туфайли миллий даромаднинг табақаланиши инқирозларга юз тутмоқда. Натижада, меҳнат фаолиятнинг қиймат яратиши қисқариб, аҳоли даромадлари табақаланиши кучайиб бормоқда. Бунинг биргина сабаби сифатида ишсизликнинг ортиши ва иқтисодиётдаги имкониятларнинг қисқариши билан изоғлаш мумкин бўлади. Ҳозирги кунда жаҳоннинг энг бой бўлган 10 фоиз қатлами глобал даромаднинг 52 фоизига эга бўлса, жаҳон аҳолисининг камбағал бўлган ярми 8,5 фоиз глобал даромадга эга чиқмоқда. Европа минтақасидаги топ 10 фоиз ва қуйи 50 фоиз даромадга эгалик қиладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги даромадлар тақсимоти солиқлар тўлангунча ва тўланганидан сўнгги ҳолатда мос равишда 5.0 ва 3.8 баробарни ташкил этса, Суб-сахара Африка мамлакатларида ушбу ҳолат 21,0 ва 20,0 баробарни ташкил этишини кўриш мумкин [1].

Умуман олганда, иқтисодий ўсишлар юз берадиган фонда доим ҳам даромадлар тақсимоти мўътдил бўлмаслигини кўриш мумкин. Бу борада, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида ҳолатлар ижобий тенденцияларни ташкил этса, ривоэланаётган мамлакатларда айрим мураккаблик касб этаётган жиҳатлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Бу эса, аҳоли ўртасида даромад ва бойликни тақсимлашда давлатнинг роли муҳим эканлигини кузатиш мумкин. Шу боисдан,

давлат нафақат ўзининг солиқ сиёсатини, балки номонетар имкониятларни ҳам тенг тақсимлаш орқали жамиятдаги тенгсизликни қисқартириш мумкинлигини инобатга олиш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар рўйхати

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида аҳоли даромадлари тақсимоти ижобий тенденцияларни кузатиш мумкин. Масалан, скандинавия давлатлари – Швеция, Норвегия ва Данияда даромадлар тақсимоти Жини коэффициенти бўйича 0,25-0,27 фоиз атрофида эканлигини таъкидлаш лозим. Бу эса. жамиятда тенглик юқори даражада таъминланаётганлигини кузатиш мумкинлигини ифодалаб беради. Бироқ, айрим ривожланган мамлакатларда, масалан АҚШда ушбу коэффициент 0.4дан юқори, даромадлар тенгсизлиги сезиларли миқёсда юқори эканлигини кўриш мумкин.

Р.Сундрум ўзининг тадқиқотида кам ривожланган мамлакатларидаги даромадлар тенгсизлиги трендларига эътибор қаратади [2]. У ўзининг тадқиқотида даромадлар тақсимоти ва миллий даромад ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ўрганишга ҳаракат қилади. Тадқиқотда статистик жиҳатдан даромадлар тенгсизлиги ва камбағалликни ўлчаш, даромадлар тақсимотининг вақт бўйича ўзгаришини таҳлил қилади. Шунингдек, камбағаллиқни камайтириш ва даромадлар тақсимотини мўътадиллаштириш юзасидан ўзининг илмий хулосаларини шакллантириб беради.

Р.Лобмайер ва бошқалар томонидан 14та ривожланган мамлакатдаги тенденциялар доираисда амалга оширилган тадқиқотда даромад, тенгсизлик ва ўлим тўғрисидаги илмий хулосаларни шакллантириб беради [3]. Улар даромадлар тенгсизлиги ва ўлим тенденциялари ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилади. Уларга кўра, тенгсизлик юқори бўлган мамлакатда ўлим даражаси ҳам юқри бўлишини асослаб берадилар. Бу эса, даромадлар тенгсизлиги ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беришга хизмат қилади. Уларнинг фикрича, жамиятда даромадлар тенгсизлиги юқори бўлиши ижтимоий ва иқтисодий омиллар инсонлар саломатлигига салбий таъсир этиши мумкинлигини ва натижада, ўртача умр кўриш давомийлиги камайиши вужудга келишини қайд этадилар. Шу боисдан, жамиятда тиббий хизматлар сифатини ошириш ва даромадлар тенгсизлигини бартараф этиш уйғун эканлигини кўрсатиб берадилар.

М.Розер ва бошқалар ривожланган мамлакатларда даромадлар тенгсизлиги ортиб боришига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилишга ҳаракат қилишади [4]. Улар томонидан 32 та ривожланган мамлакатнинг 14 йил ичидаги даромадлар тенгсизлиги даражасини таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар шакллантириб берилади. Уларга кўра, демократик жараёнлар ривожланиб бориши билан даромадлар тенгсизлигидаги фарқ камайиб боришини, технологик ривожланиш эса юқори малакали ишчиларга бўлган талабни ошириб, таълим олиш имкониятларини чеклашини қайд этиб ўтилади. Шунингдек, ишчилар ўртасида касаба уюшмаларининг роли юқори бўлган мамлакатларда даромадлар тақсимотида тенгликни таъминлашга бўлган имкониятнинг юқори бўлишини таъминлаши қайд этилади.

А. Баймагамбетов ва бошқалар томонидан биргаликда бюджет тизимининг барқарорлигини таъминлашда прогрессив пропорционал солиқ тизимининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилишга эътибор қаратишган [5]. Уларнинг тадқиқотни амалга оширишдан мақсади прогрессив солиқ ставкасининг бюджет тизими барқарорлигидаги ролини аниқлаш ва баҳолашдан иборат эди. Уларнинг фикрича, прогрессив солиқ ставкаси аҳоли даромадлари табақалашувини олдини олишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишади. Бироқ, Қозоғистонда 10 фоизлик ставка даромадлар тенгсизлигини бартараф этишда самарасиз эканлигини таъкидлаб ўтишади. Шу нуқтаи назардан, юқори даромадли шахслардан кўпроқ солиқ ундириш

орқали биринчидан, бюджетга кўпроқ даромад, иккинчидан даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришиш мумкинлигини асослашга эътибор қаратишади. Шундай бўлишига қарамай,прогрессив солиқ ставкасини жорий этиш натижасида солиқдан қочиш хавфи, солиқ маъмуриятчилигидаги мураккабликлар ва норасмий иқтисодиётнинг ўсиши каби ҳолатлар юз беришидан огоҳлантиради.


Масалан, Ф.Зайниев томонидан фискал сиёсат орқали даромадларнинг тенгсизлигини бошқариш, уни юмшатишда тақсимлаш ва давлат харажатларини амалга ошириш усулларидан фойдаланишни ўзида ифодалаб беришини қайд этади. Унинг фикрича, Жини коэффициентининг солиқ тўлангандан кейинги Жини коэффициентидан кичик бўлиши ижобий ҳолат бўлишини қатъий таъкидлаб ўтади [6].

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари борасида қўшни мамлакатларнинг ҳам тажрибаларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. шунингдек. Уларнинг ривожланиш тенденцияларини мамлакатимиздаги жараёнлар билан солиштиришга имкон туғилади. Бу борада, даромадларнинг табақаланиши, камбағаллик ва уларни тартибга солишда фискал сиёсат инстирументларидан фойдаланиш алоҳида ҳамиятга эга ҳисобланади.


Қозоғистон тажрибаси

Марказий Осиёдаги йирик иқтисодиётлардан бири бўлган Қозоғистон ЯИМ 2023 йилда 260 млрд. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этган бўлиб, бу киши бошига 14700 АҚШ долларидан ортиқни тшки этган. Бу эса, мамлакатда яратилаётган қўшимча қиймат киши бошига ҳисоблаганда сезиларли ўсиш юз бераётганлигини ифодалаб беради.



1-расм. Қозоғистонда 2001-2022 йиллар давомидаги Жини индекси кўрсаткичи [7], фоизда

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Қозоғистонда аҳоли ўртасида даромадлар тақсимотида ижобий тенденциялар вужудга келган бўлсада, даромадлар тақсимотида айрим мураккаблик жиҳатлари мавжудлигини кўриш мумкин. Бунинг сабабларидан бири сифатида аҳолининг ярмидан кўп қисми киши бошига ўртача даромаднинг ярмини олиши, унинг асосий қисмини озиқ-овқат маҳсулотлариларига сарф этиши билан ифодаланиши мумкинлиги қайд этилади. Айниқса, пандемиядан кейингги даврда озиқ-овқатлар учун қилинаётган харажатлар даромаднинг ярмидан кўп қисмини ташкил этаётганлиги ушбу тенденцияларда салбий ҳолатлар вужудга келаётганлигини ифодалаб беради.



2-расм. Қозоғистонда камбағал аҳоли қатлами улуши. Фоизда [8]

Эътибор берсак, Қозоғистонда кейинги йилларда камбағаллик даражаси ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. айниқса. Қишлоқ аҳолиси ўртасида 2018 йилдан кейин ортиб борган камбағаллик даражаси мамлакатнинг ўртача кўрсаткичининг ҳам ўсишига олиб келган. Умуман олганда, мамлакатда қатъий ставкадаги солиқ сиёсатининг амалга оширилиши аҳоли даромадларини тартибга солишда айрим мураккабликларни келтириб чиқараётган бўлиши мумкин. Шу боисдан, мазкур тенденцияларнинг барқарор ҳолатга келтирилишида давлатнинг фискал сиёсатидан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (2-расмга қаранг).

Қозоғистондаги мавжуд макриқтисодий вазият ва унда аҳоли даромадларининг табақалашуви даражасининг ривожланиши оқибатида камбағалликнинг вужудга келишига нисбатан қуйидаги илмий ёндашувларимизни келтиришимиз мумкин:

Биринчидан, аҳолининг даромадлар тақсимотида Жини коэффициентининг барқарорлиги кузатилаётган бўлсада, камбағал аҳоли ўртасида даромадларнинг харажат таркиби нобарқарорлигини кузатиш мумкин. бунда даромадларнинг аксарият ярмидан кўп қисми озиқ-овқат харажатлари учун йўналтирилмоқда.

Иккинчидан, аҳоли даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда айрим мураккабликлар сақланиб қолмоқда. Бу борада, шахсларнинг индивидуал даромадларига солиқ ставкасининг қатъий қўлланиши юқори даромадли аҳоли қатлами учун “манфаатли” бўлаётганлигини кузатиш мумкин.


Учинчидан, мамлакатда прогрессив пропорционал солиқ ставкасини жорий этишга бўлган заруратнинг сақланиб қолаётганлиги камбағаллик омилини қисқартиришнинг солиқ сиёсати ракурсидан олиб қарашга олиб келмоқда, деб ўйлаймиз.

Қирғизистон тажрибаси

Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда Қирғизистон давлатининг тажрибасини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шахснинг даромадлари юзасидан солиққа тортиш сиёсати қатъий ставкага асосланган бўлиб, барча учун бир хил 10 фоизни ташкил қилади. Шахсларнинг даромадлари таркиби – (1) меҳнатга ҳақ тўлаш – иш ҳақи, қўшимча тўловлар ва компенсациялар, (2) мулкий даромадлар – фоиз тўловлари, дивидендлар, мулкни ижарага бериш ва мулкни сотишдан тушган тушум, (3) моддий наф тарзидаги даромадлар – товарлар ва хизматлар қийматини тўлаш, қарзларни ҳисобдан чиқариш, (4) бошқа даромадлар кабиларни келтириш мумкин.

Одатда иш берувчи томонидан ишчи-ходимларнинг даромади юзасидан даромад солиғи ҳисобланиб, давлат бюджетига ўтказиб берилади. Шунингдек. Жисмоний шахс мустақил равишда даромад олган ҳолатларда солиқ декларациясини топширган ҳолда давлат бюджетига солиқларни тўлаши лозим бўлади.

К.Ли ва бошқалар биргаликда амалга оширган тадқиқотда Қирғизистон кейсида камбағалликни машинали ўрганиш методидан фойдаланиб башоратлаш мумкинлигини таҳлил қилишади [9]. Улар томонидан 8040 та оила хўжалигининг сўровнома асосида шакллантирилган демографик ва соғлиқни сақлаш кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Умуман олганда, машинали ўрганиш методидан фойдаланган ҳолда камбағалликни башоратлашнинг аниқлигига эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтишади. Бу эса, демографик ва соғлиқни сақлаш тизими кўрсаткичлари камбағалликни башоратлашда асосий омиллардан бўла олишини ўзида ифодалаб беришини кўрсатишини қайд этишади.



3-расм. Қирғизистонда камбағал аҳоли қатлами улуши, фоизда [10]

3-расмдан кўринадики, Қирғизистонда аҳолининг камбағаллик даражаси бирмунча юқорилигича қолмоқда. Бу эса, мамлакатда бир қатор макроиқтисодий муаммоларнинг кенгайиб боришига олиб келмоқда. Даромадлар тақсимотида табақалашувнинг ошиб бориши билан кам даромадли аҳоли қатламининг реал истеъмоли ҳажми қисқариб унинг нарх қиймати ошиб бораётганлигини қайд этиш лозим.

Мамлакатда таълим даражаси ва иш билан бандлик миқёсидаги фарқлар мавжуд бўлсада, аҳолининг даромадлари тақсимотида унчалик катта фарқларни кузатиш кам учрайди. Сабаби, мамлакатда юқори технологияларнинг жорий этилиши кам эканлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нисбатан боғлиқлик ва импорт товарларига валюта оқимининг юқори эканлиги аҳоли истеъмолининг қимматлашувига олиб келмоқда.

Умумий олиб қараганда, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда инсон капитали омилларидан кўра, кўпроқ яшаш ҳудудининг аҳамияти юқори эканлигини кузатиш мумкин. Масалан, шаҳар аҳолисининг даромадлари қишлоқ аҳолиси даромадларига нисбатан бирмунча юқори эканлиги, иш вақтининг барқарорлиги ва иш ўринларининг таъминланганлиги каби жиҳатлар урбанизациянинг камбағалликни қисқартиришга ижобий таъсирини кўрсатиб бермоқда.


Кўплаб тадқиқотларда келтириб ўтилганидек, урбанизация жараёнлари камбағалликни қисқартиришда ижобий роли ўйнаши Қирғизистон тажрибасида кузатилаётганлигини кўриш мумкин. Бу эса, мамлакатда урбанизация жараёнларини ҳам инобатга олиш орқали ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини ўзида ифодалаб беради.

Фикримизча, мамлакатда ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқишда аҳолининг фискал сиёсат инстиументларидан хабардорлиги, унинг таъсир даражасини ҳис эта олиши ва унга муносиб фаолият олиб бориши муҳим аҳамиятга эга экан. Шу нуқтаи назардан, даромадларни солиққа тортишда прогрессив хусусиятни

сингдириб бориш даромадлар табақалашувининг олдини олинишига хизмат қилади экан. Шу билан бир қаторда, урбанизация жараёнларини инобатга олган ҳолда даромадларни тартибга солиш чораларини жорий этиш ва уни аҳоли даромадлари табақалашувини камайтиришга шарт-шароит яратиши каби жиҳатларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тожикистон тажрибаси

Марказий Осиёнинг яна бир иқтисодиётларидан бири бу – Тожикистон давлати ҳисобланади. Минтақанинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган мазкур мамлакат 10 млн.дан ошиқ аҳолига эга бўлган давлат ЯИМ 12-15 млрд. АҚШ доллари атрофида ҳисобланади. Киши бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ҳажми ўртача 1200 АҚШ доллари атрофида. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бошқа қўшни мамлакатлар сингари қатъий ставкада белгиланган бўлиб, 13 фоизни ташкил қилади.



4-расм. Тожикистонда камбағаллик даражаси [12], фоизда

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Тожикистонда охирги декадада аҳолининг 1/3 қисми камбағалликда яшаган бўлса, 2022 йилга келиб ¼ қисми камбағалликда қолиши прогноз қилинганлигини кўриш мумкин. бу эса, мамлакатда макроиқтисодий нобарқарор ҳолатидан келиб чиқиб, аҳолининг аксарият қисми камбағаллик қолаётганлигини кузатиш мумкин. бу эса, давлатнинг фискал сиёсатидаги айрим мураккабликлар вужудга келганлигини ўзида ифодалаб беради.

Хулоса

Иқтисодиётни эркинлаштириш шартлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири, аҳоли даромадларини ошириш орқали аҳоли турмуши фаровонлигини ошириш ҳисобланади. Мамлакатда бозор муносабатларини ривожлантириш, бошқа иқтисодий тизимлардан фарқли равишда аҳоли ўртасида даромадларни табақаланишувига олиб келади. Ушбу жараёнларни тартибга солиш ва самарали бошқаришда давлатнинг мавжуд дастакларидан оқилона фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли даромадларининг юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий табақаланишини сақланиб қолиши жамиятда ижтимоий беқарорликни келтириб чиқаради ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш имкониятини бермайди.

Фикримизча, аҳоли даромадлари табақаланишининг муҳим муаммолари ва омиллари гуруҳини таҳлил этмасдан туриб, ушбу даражани пасайтириш мумкин эмас. Иқтисодиётни эркинлашуви шартлари ва аҳоли даромадларини ошириш, ўз-ўзини банд қилиш асосида ишсизлик даражаларини камайтириш, аҳолининг камбағал қатламини ушбу тоифадан чиқариш борасида илмий тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Юқорида қайд этилган муаммоларни хал этиш учун мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли даромадларининг табақаланиш ҳолатини баҳолаш ва унга таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш зарур.

Аҳоли даромадларини таҳлил қилишда уларнинг алоҳида тоифалар ёки гуруҳларга тегишлиги, даромадларнинг фарқланиши, шаклланиш манбаларига кўра таснифлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат иқтисодий сиёсатида аҳолининг турли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, борасида чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда стратификация жараёнлари муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий сиёсатни амалга ошириши жараёнида аҳоли даромадларининг табақаланиши билан боғлиқ вазиятни тўғри тасаввур ва таҳлил қилиш муҳим, ахамиятга эга. Биринчи навбатда давлат томонидан иқтисодий-ижтимоий соҳада қабул қилинаётган қарорларнинг аҳоли даромадлари ва умумий истеъмолиги таъсири, иқтисодий-молиявий инқироз оқибатларида аҳолининг қайси қатламлари нисбатан кўпроқ зарар кўрганини, кимлар биринчи навбатда ёрдамга муҳтожлиги ва қайси бирида ижтимоий беқарорлик пайдо бўлиши мумкинлиги имкониятларини тушуниш имконини беради. Аммо даромадларни стратификация соҳасидаги муҳим муаммолар қаторига стратификация жараёнларини тўғри баҳолаш ва фойдаланиш мумкин бўлган модели Ўзбекистонда шаклланганми ёки аҳоли реал даромадларини маълум даврда пасайиши унинг ўзгаришига таъсир этадими, маълум бир моделни мамлакат фуқаролари қандай қабул қилиши ва ушбу услубият мамлкатимиздаги аҳоли даромадларини табақаланишига доир ҳолатни қай даражада аниқлашни киритиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Chancel, L., Piketty, T., Saez, E., & Zucman, G. (Eds.). (2022). World inequality report 2022. Harvard University Press.
2. Sundrum, R. M. (2003). Income distribution in less developed countries. Routledge.
3. Lobmayer, P., & Wilkinson, R. (2000). Income, inequality and mortality in 14 developed countries. Sociology of Health & Illness, 22(4), 401-414.
4. Roser, M., & Cuaresma, J. C. (2016). Why is income inequality increasing in the developed world? Review of Income and Wealth, 62(1), 1-27.
5. Baimagambetov, A. A., Omirbayev, S. M., Mayekenov, T. K., Valieva, M. M., & Bogunov, L. A. (2021). Progressive Tax Scale as a Factor of Economic Stability of the Budget System of the Republic of Kazakhstan. Public Policy and Administration, 20(5), 622-633.
6. Зайниев Ф.Н. Фискал сиёсат орқали аҳоли даромадларини тартибга солиш масалалари//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2023. – Т. 11. – №. 3. – С. 65-74.
7. 10% богатых имеют 60% всех активов в Казахстане. https://the-tenge.kz/articles/bogatie-bogateyut-bednie-bedneyut
8. Численность бедных в Казахстане увеличилась почти на 40 тысяч человек
9. Источник: https://ranking.kz/digest/socium-digest/chislennost-bednyh-v-kazahstane-uvelichilas-pochti-na-40-tysyach-chelovek.html

10. Li, Q., Yu, S., Échevin, D., & Fan, M. (2022). Is poverty predictable with machine learning? A study of DHS data from Kyrgyzstan. Socio-Economic Planning Sciences, 81, 101195.

11. В 2020 году каждый четвертый житель Кыргызстана проживал в условиях бедности. https://stat.gov.kg/ru/news/v-2020-godu-kazhdyj-chetvertyj-zhitel-kyrgyzstana-prozhival-v-usloviyah-bednosti/

12. Бедность в Таджикистане – 2021. https://www.vsemirnyjbank.org/ru/news/infographic/2021/10/15/poverty-in-tajikistan-2021